# Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 175154 на приобретение Махаллий ахамиятидаги автомобил йулларини жорий таъмирлаш ишчи лойиха ишлари

Способ проведения электронный

Дата 16.11.2022

Время рассмотрения 16.11.2022 08:29

Закупочная комиссия Наманган вилоят автомобил йуллари худудий бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XAMDAMOV AKRAMJON ANASBEKOVICH | Boshliq | Namangan VAYBB |
| **Секретарь комиссии** | QAMBAROV TOXIRJON MIRZAKARIMOVICH | Бош юристконсульт | Наманган ВАЙББ |
| **Член комиссии** | KAYUMOV RAVSHANBEK MAXMUDOVICH | бош механик | аъзо |
| **Член комиссии** | USMANOV TEMUR-MALIK AZIMJON O'G'LI | булим бошлиги | Наманган ВАЙББ |
| **Член комиссии** | URAZOV TOXIRJON BOTIRALIYEVICH | Bulim boshligi | Namangan VAYBB |
| **Член комиссии** | BOTIROV BOTIRJON ABDUKARIMOVICH | Bulim boshligi | Namangan VAYBB |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 16.11.2022 года № лота 175154.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по разработке проектно-сметных работ** |
|---|---|
| Подробное описание | лойиха ишлари ун |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 43 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 43 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлаш иштирокчисининг молиявий кўрсатгичлари, салохияти ( 2019-2020-2021 йиллар бўйича) тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги тўғрисида маълумот №3

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишлаб чиқариш фондининг қиймати 100 млн. сўмгача ва ундан кўп Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги (Солиқдан қарздорлиги мавжуд эмаслиги ва муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотлар илова қилинади) Ўтган йилда 20 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги Тўловга қодирлик коэфициенти ижобийлиги

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Yol-loyiha byurosi MCHJ | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| ЧП SOXTMON-ME`MOR | 20 | Солик карзи мавжуд эмас | 20 | Экспертная | | |
| НАМАНГАНЙУЛЛОЙИХА ИНСТИТУТИ МЧЖ | 20 | 42000000 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №2 1. Танлов таклифини таъминлаш тўғрисида декларация. 2, Лойиҳалаш (Қурилиш) майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: 1, Танлашда иштирок этиш буюртмасига декларация бўлмаганда таклиф кўриб чиқилмайди ва ҳужжатларнинг 2-йиғма жилди очилмасдан оферентга қайтарилади. 2, Қурилиш майдонини кўрганлиги ва ўрганиб чиқилганлиги Мухандислик коммуникацияларини ўрганиб чиққанлиги

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Yol-loyiha byurosi MCHJ | 10 | 10 | 9 | Экспертная | | |
| ЧП SOXTMON-ME`MOR | 10 | Декларация ва Қурилиш майдонини кўрганлиги ва ўрганиб чиқилганлиги хакида маълумотнома | 5 | Экспертная | | |
| НАМАНГАНЙУЛЛОЙИХА ИНСТИТУТИ МЧЖ | 10 | 42000000 | 5 | Экспертная | | |

Критерий №3 Танлаш иштирокчисининг охирги йиллари лойиҳалаш ишлари бўйича бажарган иш тажрибаси. Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида ёрдамчи лойиха ташкилотни жалб қилиш тўғрисида маълумот №4-7

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлашда қўйилган объектга ўхшаш бўлган объектларни ЛСХсини бажариш: йилига N (N- кейинги икки йилда йилига 1та ва ундан кўп ), Бир йилда 10 тадан кам бўлмаган объектларнинг ЛСХни тайёрлаганлик Йўл қурилиши соҳаси объектлари ЛСХсини бажарилиши. Танлаш таклифларини баҳолашда ёрдамчи лойиҳачи ташкилотлардан жалб этилган машина ва механизмлар ҳисобга олинмайди

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Yol-loyiha byurosi MCHJ | 25 | 25 | 25 | Экспертная | | |
| ЧП SOXTMON-ME`MOR | 25 | 2019-2021 йиллар мобайнида бажарилган ишлар илова килинмокда | 21 | Экспертная | | |
| НАМАНГАНЙУЛЛОЙИХА | 25 | 42000000 | 20 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ИНСТИТУТИ МЧЖ** | | | | | | |

Критерий №4 Мавжуд оргтехника (компютер, принтер, лойиҳалаш дастурлари ) ва бошқалар рўйхати №6

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 5 та дан кам бўлмаган охирги 10 йилликда ишлаб чиқарилган компютерлар мавжудлиги (ижара шартнома асосидаги лойиҳа техникаларининг баллари 50% камайтирилади) Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган оргтехника воситаларини (принтерлар , плоттерлар, ксерокопия ва сканерлар ) мавжудлиги** Лойиҳалаш программалари: - “Auto Cad”-2007-2020 - “Corel Draw X3-2005” - “3D MAX” - “Lira 9.4” - Смета программалари Мавжуд хизмат машиналари

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Yol-loyiha byurosi MCHJ** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| **ЧП SOXTMON-ME`MOR** | 20 | Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган оргтехника воситалари ва лойиҳалаш программалари мавжуд | 20 | Экспертная | | |
| **НАМАНГАНЙУЛЛОЙИХА ИНСТИТУТИ МЧЖ** | 20 | 42000000 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №5 Лойихачи ташкилотнинг ташкилий структураси ва умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот тўғрисида умумий маълумот Ташкилий структура. Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли лойиҳалаш мутахассислигига эга бўлган раҳбарлардан 1 киши, Дипломли 5 йил иш стажига эга 2 кишидан иборат инженер-техник ходимлар, (ГИП, ГАП ) Доимий равишда ишловчи 10 та малакавий лойиҳачи мутахассислар Доимий равишда ишловчи 10 йиллик иш стажига эга 4 та малакавий лойиҳачи мутахассислар мавжудлиги(барча ходимлар бўйича тасдиқловчи хужжатлар: паспорт, диплом ва мехнат дафтарчаси копиялари илова қилинади)

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Yol-loyiha byurosi MCHJ** | 25 | 25 | 23 | Экспертная | | |
| **ЧП SOXTMON-ME`MOR** | 25 | Малакали мухандис техник ходимлар хизмат курсатади. Бажарилган ишларга кафолат берамиз | 21 | Экспертная | | |
| **НАМАНГАНЙУЛЛОЙИХА ИНСТИТУТИ МЧЖ** | 25 | 42000000 | 20 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП SOXTMON-ME`MOR** | 43 000 000.00 | 41 500 000.00 UZS | 41 500 000.00 | 00.00 | 41 500 000.00 | 09.11.2022 15:50:15 | 9.63855 |
| **Yol-loyiha byurosi MCHJ** | 43 000 000.00 | 40 000 000.00 UZS | 40 000 000.00 | 00.00 | 40 000 000.00 | 05.11.2022 16:22:07 | 10 |
| **НАМАНГАНЙУЛЛОЙИХА ИНСТИТУТИ МЧЖ** | 43 000 000.00 | 42 000 000.00 UZS | 42 000 000.00 | 00.00 | 42 000 000.00 | 09.11.2022 16:04:01 | 9.52381 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ЧП SOXTMON-ME`MOR** | 78.3 | 9.63855 | 87.93855 |
| **Yol-loyiha byurosi MCHJ** | 87.3 | 10 | 97.3 |
| **НАМАНГАНЙУЛЛОЙИХА ИНСТИТУТИ МЧЖ** | 76.5 | 9.52381 | 86.02381 |

**Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 175154 от 16.11.2022 года на приобретение Махаллий ахамиятидаги автомобил йулларини жорий таъмирлаш ишчи лойиха ишлари определила победителем:**

Yol-loyiha byurosi MCHJ
300112785

**и резервный исполнитель: ЧП SOXTMON-ME`MOR (306665007)**

**Проголосовали**

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XAMDAMOV AKRAMJON ANASBEKOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | KAYUMOV RAVSHANBEK MAXMUDOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | USMANOV TEMUR-MALIK AZIMJON O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | URAZOV TOXIRJON BOTIRALIYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | BOTIROV BOTIRJON ABDUKARIMOVICH | Согласен | |

**Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП**

# МУХОКАМА АХБОРОТИ

21.11.2022 йил

Наманган шаҳри

Наманган вилояти автомобил йўллари бош бошқармаси томонидан 10.11.2022 йилдаги 12175154-сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Наманган вилоятидаги давлат ахамиятидаги автомобил йўлларини жорий таъмирлаш лойиха-сметаси ва экспертизадан ўтказиш учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61-моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича "Йўл-лойиҳа бюроси" МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62-моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин хисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**Бош бошқарма бошлиғи:** A.Хамдамов

**Бош хисобчиси:** A.Тўхтабоев

**Лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш учун**
**211 Н-сонли Ш А Р Т Н О М А**

**Наманган ш.** “21” 11 **2022 йил**

Бундан буён Буюртмачи деб аталувчи **Наманган вилоят автомобил йўллари ҳудудий бош бошқармаси** номидан Низом асосида иш юритувчи бошлиғи **А.Хамдамов** орқали ва бундан буён Бажарувчи деб аталувчи «YO’L LOYIHA BYUROSI» Масъулияти чекланган жамияти Наманган вилояти филиали номидан Низом ва 05.01.2022 йилдаги 7-сонли ишончнома асосида иш юритувчи филиал бошлиғи А.Бадалбаев орқали Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Буюртмачи **Наманган вилояти худудидаги махаллий ахамиятдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун лойиха–смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш** учун буюртма беради, бажарувчи эса ўз зиммасига олади.

**2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари**

2.1. Ишларни амалга оширишнинг шартнома бахоси ҚҚС билан **40 000 000 (Қирк миллион)** сўмни ташкил қилади.

2.2 Буюртмачи 10 (ўн) банк куни ичида шартнома баҳосининг 30 % микдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ёки ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда шартнома баҳоси ўзгартирилиши мумкин.

**3. Томонлар мажбуриятлари**

3.1. Бажарувчи ишларни шартнома газначилик бошкармасидан руйхатдан утгандан сунг 30 кун муддатда бажаришни ўз зиммасига олади.

3.2 Бажарувчи лойиҳа смета ҳужжатлари қайта ҳисоблангандан сўнг лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда иштирок этишни ўз зиммасига олади.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг сўрови асосида тақдим қилиши шарт.

3.4. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган ҳажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида Буюртмачи томонидан бажарилиши зарур бўлган ишларни бажариш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланишни ўз зиммасига олади.

Буюртмачи томонидан аванс тўлов ўз вақтида ўтқазилмаган ҳолда ёки ишни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни Бажарувчининг талабига асосан тақдим этмаганида ишларни бошлаш ва тугаллаш муддати ҳам аванс тўлови ва маълумотлар берилиши кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

**4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномасиини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни

топшириш-кабул килиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига кайтариши шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни кабул килмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш максадга мувофик эмаслиги аникланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш максадга мувофик ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вакт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вакти ҳисобланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис экспертларга Лойиҳа бўйича хулоса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

## 5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни химоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## 6. Қўшимча шартлар

6.1. Бажарувчи ишларни муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

6.2. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

6.3. Бажарувчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш вақтида ўз имкониятларидан келиб чиқиб, Буюртмачини хабардор қилмаган ҳолда учинчи шахсларни, жумладан юридик ва жисмоний шахсларни мустақил равишда жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Мазкур шартноманинг шартлари шартнома предмети бўйича тарафларнинг шартнома тузишидан олдин вужудга келган муносабатларига ва Бажарувчининг объект бўйича бажарган ишларига нисбатан қўлланилади.

6.4. Мазкур шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент шаҳар Иктисодий суди эътироз тартибига риоя килган ҳолда, кўриб чикилади. Эътирозлар ёзма равишда тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан холларда қонунда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

6.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва бажарувчи томонидан ишлар топширилганда шартлашилган хақи кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси шартнома баҳосининг 30 (ўттиз) фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Буюртмачини тўловнинг кечикиши ёки хизматлар, ишларнинг асоссиз қабул қилинмаганлиги туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.6 Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, хусусан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг конунига мувофиқ белгиланади.

6.7. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди.

6.8. Мазкур шартнома Ғазначилик органи томонидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабр кунига қадар амал қилади.

6.9. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосини келишув баённомаси (1-илова)
- Бажариш ва молиялаштириш жадвали (2-илова)

## 7. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

**«БУЮРТМАЧИ»**

**Наманган вилояти автомобил йўллари ҳудудий бош бошқармаси**

Манзилгох: Наманган шахар Саноат куча 19-уй
Шхв:
ИНН 200 047 323 ОКОНХ: 97400
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010
МФО: 00014 ИНН 201 122 919
Банк: ХККМ МБ Тошкент шахри Бош бошқармаси

Директор_______________ А.Хамдамов

**«БАЖАРУВЧИ»**

**“YO’L-LOYIHA BYUROSI” МЧЖ**

Тошкент шахри, Мустақиллик шох кўчаси, 68А -уй

Ҳ/р: 2020 8000 8040 1094 1001
Банк: АТИБ “Ипотека банк” Яшнобод филиали
МФО: 00959
ИНН: 300 112 785
ОКОНХ 66000

_______________ А.Бадалбаев

NAMANGAN VILOYAT FILIALI

**2022 йил __21.11._____ даги**
**211Н-сонли шартномага 1- илова**

**Шартнома баҳосини келишуви**

**Б А Ё Н Н О М А С И**

Биз, қуйида имзо қўювчилар: **Наманган вилояти худудидаги давлат ахамиятдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун лойиха–смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш** бўйича 2022 йил "_21_" ____11____даги 211Н-сонли шартнома баҳосини ҚҚС билан **40 000 000 (Қирқ миллион)** сўм деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро хисоб–китобларни амалга ошириш учун асос хисобланади.

**«БУЮРТМАЧИ»**

**Наманган вилояти автомобил йўллари худудий бош бошқармаси**

Манзилгох: Наманган шахар Саноат куча 19-уй
Шхв:
ИНН 200 047 323 ОКОНХ: 97400
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010
МФО: 00014 ИНН 201 122 919
Банк: ХККМ МБ Тошкент шахри Бош бошқармаси

Директор____________________ А.Хамдамов

**«БАЖАРУВЧИ»**

**"YO'L-LOYIHA BYUROSI" МЧЖ**

Тошкент шахри, Мустақиллик шох кўчаси, 68А -уй

Ҳ/р: 2020 8000 8040 1094 1001
Банк: АТИБ "Ипотека банк" Яшнобод филиали
МФО: 00959
ИНН: 300 112 785
ОКОНХ 66000

______________________ А.Бадалбаев

2022 йил 01.11 даги
21Н -сонли шартномага
2 -илова

**Наманган вилояти худудидаги махаллий ахамиятдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун лойиха–смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш**

## БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

минг сўм

| № | Бажариладиган ишларнинг номи | Қиймати | Бажариш | | Молиялаштириш муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | муддати | киймати | 2022 йил |
| | Аванс микдори | | | | 12 000,000 |
| 1 | Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чикиш | 40 000,000 | 2022 йил | 40 000,000 | 28 000,000 |
| | **Жами:** | **40 000,000** | | **40 000,000** | **40 000,000** |

Буюртмачи ____________

Бажарувчи ____________

NAMANGAN VILOYAT FILIALI